



194

2013 у.р. "25" май

№ 492-К Samarqand t-p Самарканд

"MEXR SAODAT" масъулияти чекланган
жамиятига сутни қайта ишлаш цехи қуриш
учун 1,0 га ер майдони ажратиш ҳақида.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш)
масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 17 майдаги 50-сонли
баённомаси, "Қишлоққурилишлойиха" институтининг 2013 йил 3 майдаги 131-сонли
баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2013 йил 15 майдаги 435-сонли хулосаси
ҳамда "MEXR SAODAT" масъулияти чекланган жамияти директори Ф.Усмоновнинг
туман ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер
кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш)
масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 17 майдаги 50-сонли
баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси
тасдиқлансин.

2. "MEXR SAODAT" масъулияти чекланган жамиятига "Оҳалик" қишлоқ
фуқаролар йиғини МЧ "Меҳробод агротехсервис" агрофирмаси ер харитасининг
279 контуридаги туман захирасидаги лалми ерлар ҳисобидан сутни қайта ишлаш цехи
қуриш учун жами 1,0 га (шундан: 1,0 га лалми) ер майдони ажратилсин.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги
146-сонли қарорининг 32 бандига мувофиқ сутни қайта ишлаш цехи қуриш учун
ажратилаётган 1,0 га лалми ер майдони учун 1 518 000 сўм пул миқдори вилоят ер
ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш
вазифаси "MEXR SAODAT" масъулияти чекланган жамияти директори Ф.Усмонов
зиммасига юклатилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг
«Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолати ер балансида
ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман Ер
ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т.Шаропов)га топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи
ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев